

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



**РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА ДАРС ЎТИШ УЧУН
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ФИЛЬМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ
БҮЙИЧА УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА**

**«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024**

Республика давлат таълим муассасаларида дарс ўтиш учун фойдаланиладиган ўқув-услубий фильмларни ишлаб чиқариш тартиби бўйича услугий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 13 б.

Мазкур услугий қўлланма республикадаги давлат таълим муассасаларида дарс ўтиш учун фойдаланиладиган ўқув-услубий фильмларни ишлаб чиқариш бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма фильмларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш каби муҳим масалаларни ҳам қамраб олади.

Ушбу услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	00
Фойдаланилган қонунчилік ҳужжатлари.....	00
Үқув-услубий фильмларни ишлаб чиқариш бүйича умумий маълумот.....	00
Фильмлар мавзуларини белгилаш ва ишлаб чиқариш тартиби.....	00
Фильмларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиби.....	00

КИРИШ

Таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларга ўқув-услубий фильмлар ёрдамида дарс ўтиш тизимини жорий этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-300-сон қарорида илгари сурилган эди.

Президент қарорига кўра қўйидагилар белгиланган:

1. Ўқувчи ва талабалар учун ўзлаштириш мураккаб бўлган фанлар ва уларнинг мавзулари рўйхатини шакллантириб бориш, бунинг учун профессор-ўқитувчилар, таълим соҳаси мутахассисларидан иборат ишчи гурӯҳ тузиш.

2. Ҳар йили белгиланган рўйхатга мувофиқ 50 та ўқув-услубий фильм ишлаб чиқариш, ўқитувчи ва педагоглар иштирокида намойишларни ташкил қилиш, хуносалар олиш.

3. Ўқув-услубий фильмлар портали ва унинг мобиль иловасини ишлаб чиқиш, фильмларни юклаб бориш, дарсларда фильмлардан фойдаланиш бўйича қулай имкониятлар яратиш.

Бундан асосий мақсад мазкур фильмларнинг мавзулари ўқувчи ва талабалар ўзлаштириши мураккаб бўлган фанлар, уларнинг асослари, мавзулари, яъни формула, теорема, қонуниятлари ва шунга ўхшашиб ўқувчига қийинчилик туғдирадиган дарсликлар асосида шакллантирилиб, янги методни жорий қилишдир.



Мазкур Президент қарорида белгиланган топширик ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 январдаги 24-сон қарори қабул қилинди. **Қарор билан қўйидагилар белгиланди:**

➤ Кинематография агентлиги буюртмасига асосан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб

таълими вазирлиги томонидан **тасдиқланган рўйхатга мувофиқ ҳар йили 50 тагача ўқув-услубий фильм ишлаб чиқарилади;**

➤ ўқув-услубий фильмлар ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-услубий фильмлар портали ва мобиль иловасини яратиш ҳамда бунинг харажатлари учун маблағлар давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Маданият вазирлигига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратилади.**

➤ Бунда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги учун ўқув-услубий фильмларни ишлаб чиқариш билан боғлик харажатлар ушбу вазирликнинг **ўз маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««Ўзбекистон-2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-300-сон қарори
	Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 январдаги «Республика давлат таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларга ўкув-услубий фильмлар ёрдамида дарс ўтиш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сон қарори
	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 947-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Бадиий кенгаши тўғрисида низом
	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги «Кинематография соҳасидаги айrim норматив-хуқукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида »ги 695-сон қарори

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Давлат олий таълим, ўрта маҳсус, профессионал ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида дарс ўтиш учун фойдаланиладиган ўқув-услубий фильмларни ишлаб чиқариш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 январдаги 24-сон қарори билан тасдиқланган **Республика давлат таълим муассасаларида дарс ўтиш учун фойдаланиладиган ўқув-услубий фильмларни ишлаб чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга кўра амалга оширилади.**

Фильмлар мавзулари Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳўзуридаги Кинематография агентлиги буюртмасига асосан вазирликлар томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ ҳар йили 50 тагача фильм ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан давлат буюртмасига асосан таълим муассасаларида дарс ўтишда фойдаланиладиган ўқув-услубий фильмларни **ишлаб чиқариш харажатлари** учун ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва унга ўзgartиришлар киритиш **бюджет қонунчилигига белгиланган тартибда** амалга оширилади.

Таълим муассасаларида дарс ўтишда фойдаланиладиган ўқув-услубий фильмларни ишлаб чиқарувчилар давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ **харид қилиш тартиб-таомиллари натижаларига кўра** аниқланади.



1-БОБ. ФИЛЬМЛАР МАВЗУЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ



Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан **хар йили 30 январга қадар** фильмларнинг тасдиқланган **мавзулари рўйхати** Кинематография агентлигига тақдим этилади.



Кинематография агентлиги томонидан **хар йили 30 апрелга қадар** қуидагилар шакллантирилади:

- **10-15 дақиқалик фильмларнинг адабий сценарийлари;**
- **харажатлар сметаси;**
- **ижодий гурӯхлар.**



Кинематография агентлигининг Бадиий кенгаши ва Экспертлар кенгаши томонидан вазирликлар томонидан тақдим этилган рўйхат асосида **хар йили 1 июнга қадар** фильмларнинг **адабий сценарийси ва харажатлар сметаси** кўриб чиқилади ва улар юзасидан тегишли хулоса берилади.



Кинематография агентлиги томонидан **хар йили 30 июнга қадар** фильмларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмалари шакллантирилади ва фильмларни ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузилади.



Фильмлар давлат буюртмаси асосида уни ишлаб чиқарувчилар томонидан **йил якунига қадар** ишлаб чиқилади.

**Республика давлат таълим муассасаларида дарс ўтиш учун
фойдаланиладиган ўқув-услубий фильмлар мавзулари рўйхатининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

T/r	Фильм мавзуси	Мавзу тавсифи	Масъул консультант (Ф.И.О., боғланиши маълумоти)
1.			
2.			
3.			
...			



Мавзулари рўйхатини шакллантиришда муҳим:

фильмларнинг мавзулари ўқувчи ва талабалар ўзлаштириши
мураккаб бўлган фанлар, уларнинг асослари, мавзулари (формула,
теорема, қонуниятлари) асосида шакллантирилади;

ҳар бир фильмга вазирликлар томонидан масъул
консультантлар (эксперт, ўқитувчи, соҳа мутахассиси)
бириктирилади ҳамда улар фильмларни ишлаб чиқариш
жараёнида иштирок этади.

ФИЛЬМЛARНИ КЎРИB ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ишлаб чиқариш якунланган фильмларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш бўйича Кинематография агентлигида кенгайтирилган **Бадиий кенгаш ташкил қилинади**.

Кенгаш вазирликлар ва Кинематография агентлиги вакилларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Фильмлар Кенгашнинг **ижобий хуносаси** берилган тақдирда, унинг қарори асосида қабул қилинади. Кенгашнинг **салбий хуносаси** бўлган тақдирда, фильм қайта ишлаш учун қайтарилади



Бадиий кенгаш сценарийлар ва кинолойиҳаларни кўриб чиқишида қўйидагиларни ўрганиб чиқади:

- ✓ сценарий ёки кинолойиҳаларда зўравонлик ва порнографиянинг тарғиб қилиниши ҳолатларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги
- ✓ мамлакатда хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид қилувчи, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва динлараро тотувликка раҳна солувчи ҳолатларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги
- ✓ Ўзбекистон Республикаси ҳақида нотўғри ахборот тарқатилишини ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари, адабий тил меъёрлари бузиб кўрсатилиши мумкин бўлган ҳамда тақиқланган лексикадан фойдаланилганлиги
- ✓ ўзига хос янги ижодий ғоя ва фикрлардан фойдаланилганлиги, мавзунинг долзарблиги
- ✓ бадиий сифати ва сюжетнинг қизиқарлилиги
- ✓ кино тилининг ўзига хос услуби
- ✓ режиссёрлик топилмалари
- ✓ ижтимоий аҳамияти, тарбиявий йўналиши, маънавий ва умумисоний қадриятларнинг тарғиб қилинганлиги

- Ўзбекистон Республикаси халқларининг тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларининг ҳақиқатга мувофиқлиги
- Ўзбекистоннинг ўзига хос ижобий нуфузи кўрсатиб берилганлиги
- мамлакатда эркин демократик жамият қуриш йўлида юз бераётган ўзгаришлар ва реал ютуқлар, миллий мустақиллик ғоясининг моҳияти акс эттирилганлиги
- номзод сифатида кўрсатилган актёрларнинг бош рол ва асосий персонажларга мослиги
- фильм ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағнинг асослантирилганлиги (фильм ишлаб чиқаришнинг тахминий харажатлари)
- ариза берувчиларнинг шерикликда (ҳамкорликда) фильм ишлаб чиқаришга йўналтириладиган шахсий маблағлари ва (ёки) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар улуши
- фильмни ишлаб чиқаришга бошқа фильм яратилишини ташкил этувчи шахслар (продюсерлар) жалб қилинганлиги

**ФИЛЬМЛАРНИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА ДАРС ЎТИШ УЧУН
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ФИЛЬМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Фильмларнинг мавзулари рўйхатини шакллантиради ҳамда Кинематография агентлигига тақдим этади	Ҳар йили 30 январга қадар
2-босқич	Кинематография агентлиги	Фильмларнинг адабий сценарийлари ва харажатлар сметасини тайёрлайди, ижодий гурӯхларни шакллантиради	Ҳар йили 30 апрелга қадар
3-босқич	Кинематография агентлигининг Бадиий кенгаши ва Экспертлар кенгаши	Фильмларнинг адабий сценарийси ва харажатлар сметасини кўриб чиқади, хуроса беради	Ҳар йили 1 июня қадар
4-босқич	Кинематография агентлиги	Фильмларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмаларини шакллантиради, шартномалар тузади	Ҳар йили 30 июня қадар
5-босқич	Фильмларни ишлаб чиқарувчилар	Фильмларни ишлаб чиқаришни якунлайди	Йил якунига қадар
6-босқич	Кинематография агентлигининг кенгайтирилган Бадиий кенгаши	Фильмларни кўриб чиқади ва қабул қиласди (ёки рад этади). Рад этилган фильмлар қайта ишлаш учун қайтарилади.	Йил давомида